



## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Ҳимматов Исмоил Ибрагимович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти  
кафедраси доценти, полковник  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20538532>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil  
Ma'qullandi: 28-may 2026 yil  
Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

### KEYWORDS

вояга етмаганлар  
жиноятчилиги, “Баркамол  
авлод”, жиноятчиликни  
олдини олиш йўллари,  
тарбия ва маънавият.

### ABSTRACT

*муаллиф мазкур мақолада вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ва статистикаси, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш йўллари, таклиф ва мулохазаларни ёритиб берган.*

Мамлакатимизда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”, “Оила кодекси”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлар ҳам бевосита ёшлар тарбиясида, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, бандликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Статистика агентлиги ҳисоботида кўра, 2023 йилда жиноят содир этган 3599 нафар вояга етмаганларнинг 82,6 фоизи жиноий жавобгарликка тортилган. Улардан 744 нафари 13-15 ёш, 2855 нафари 16-17 ёшлилардир. Қизларнинг улуши 8,7 фоиз - 314 кишини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йил 05-февраль куни ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда [қайд этилишича](#), мактабларда оғриқли масалалардан бири, бу – тарбия ва маънавият.

Ўтган йили вояга етмаганлар 3,5 мингта жиноят содир этган. Шундан 2 минг 280 нафарини мактаб ўқувчилари ташкил қилади.

Болалар тарбиясини яхшилашга, ота-оналар дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган миллий контентни маҳалла ва таълим муассасаларига етказиб туриш топширилди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йил 12-февраль куни ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишидаги нутқидан.

Статистика агентлиги ҳисоботида кўра, 2023 йилда жиноят содир этган 3599 нафар вояга етмаганларнинг 82,6 фоизи жиноий жавобгарликка тортилган. Улардан 744 нафари 13-15 ёш, 2855 нафари 16-17 ёшлилардир. Қизларнинг улуши 8,7 фоиз - 314 кишини ташкил этди.

Жиноят содир этган вояга етмаганлар энг кўп Фарғона вилоятида қайд этилган - 700 нафар. Кейинги ўринларда Тошкент - 545, Наманган вилояти - 451 ва Тошкент вилояти - 345 киши. Энг паст кўрсаткичлар Жиззах - 54, Навоий - 62 ва Хоразм вилоятларида - 66 киши.

Жиноят турлари бўйича вояга етмаганларнинг аксарияти ёки 1602 нафари ўғрилиқ (бир йил аввал - 1581 нафар), 453 нафари безорилиқ (284 нафар), 135 нафари фирибгарлик (134 нафар), 181 нафари талончилик ва босқинчилик (162 нафар) содир этган, 104 нафари қасддан баданга оғир шикаст етказиш (74), 54 нафари - номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш (46), 27 киши - товламачилиқ (16) 12 нафари эса қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш (10) жиноятини содир этган.

Вояга етмаганларнинг 57 нафари гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ёки сотиш, 121 нафари ўлимга олиб келмайдиган йўл-транспорт ҳодисалари, 4 нафари қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни тайёрлаш ёки сотиш каби жиноят қилган.

Жиноят содир этилган вақтда уларнинг 2730 нафари талабалар, 510 нафари ишчилар, 148 нафари ишламайдиган ёки ўқимайдиган, 8 нафари хизматчилар, 190 нафари бошқа тоифаларга мансуб болалар бўлган.<sup>2</sup>

Ёшлар тарбияси ҳар бир даврнинг ўта долзарб масаласи бўлиб келгани айтиш ҳақиқат. Муаррихларнинг ёзишича, Геродот Шарққа қилган сафарлари чоғида Миср эҳромларидаги бир битикка ажабланган: «Ёшларнинг тарбияси бузилиб кетяпти. Нима қилиш керак?!» Муаррих бу ёзувни ўқиганига ҳам икки минг йилдан ошиб кетди. Ёзувнинг битилганига эса, ким билсин қанча вақт бўлган? Демак, ёшлар масаласи ҳамиша ўз долзарблигини йўқотмаган, бунга ҳамма даврларда ҳам турли даражада муносабат билдирилган экан-да.<sup>3</sup>

Ислом таълимотида ёшлар тарбияси жуда муҳим ўрин тутди. Исломнинг дастлабки ўн уч йилида, яъни Макка даврида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонларнинг онгу шуурига Аллоҳнинг яқкаю ягоналигини сингдириш баробарида уларга одоб-ахлоқ масалаларини ўргатишга алоҳида эътибор қаратганлар. Бу борада ўз ёнларига 8–16 ёшли (Али, Талҳа, Зубайр) каби кўплаб ёшларни олиб, аввало, уларнинг таълим-тарбиясига алоҳида аҳамият берганлар. Ҳадиси шарифда: «Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар», дейилган (Имом Муслим ривояти).

Тарбия ҳақида Имом Ғаззолийнинг «Ихёу улумуд дин» китобида бундай дейилади: «Бола – ота-она қўлидаги омонат. Унинг қалби турли нақш ва расмлардан холи. Қандай нақш солинса, қабул қилади, нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, саодатли бўлади. Ота-онаси ҳамда одоб, таълим-тарбия берган устозлар унинг савобига шерик бўлди. Агар ёмонликка ундалса, ҳалок бўлади».<sup>4</sup>

<sup>2</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2024/02/05/children/>.

<sup>3</sup> Ёшлар таълим-тарбияси — энг устувор вазифа номли мақоладан.

<sup>4</sup> Ёшлар таълим-тарбияси — энг устувор вазифа номли мақоладан.

## 2022 — 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

ПФ-60-сон фармонида ҳам ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш белгиланган.

Жумладан стратегиянинг **II-боби МАМЛАКАТИМИЗДА АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ЗАРУР ШАРТИГА АЙЛАНТИРИШ**нинг 16-мақсади: **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш.**

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш.

2022 — 2026 йилларда 217 та «Баркамол авлод» болалар мактабини ривожлантириш бўйича дастурни амалга ошириш.

**41-мақсад: Мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш.**

Янги мактаблар қуриш, хусусий мактабларни кўпайтириш, таълим сифатини оширишни назарда тутувчи миллий дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ўқув ўринлари сонини 2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача етказиш.

Нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи ташкилотларга шароит ва имкониятларни кенгайтириш орқали уларнинг улушини 2026 йилда 8 фоизга, шу жумладан 2022 йилда 3 фоизга ошириш.

2022 — 2026 йилларда 217 та «Баркамол авлод» болалар мактабини ривожлантириш бўйича дастурни амалга ошириш.

Ёшларни санъат дунёсига ошно этиш, компьютер ва IT технологиялари соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун зарур жиҳозлар билан таъминланган 100 мингдан ортиқ бепул тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш.

Чекка ҳудудларда мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасаларигача транспорт қатновини йўлга қўйиш.

**70-мақсад: Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.**

Ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш.

Ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш. Ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукамал таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш.

Ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш.

Ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялаш.

Ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш.

Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш.

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш.

Ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш.

Ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш.

Ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолият олиб борувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Шу каби бир қатор ёшларимизни келажакда яхши ўқиб ўрганиб ватанимиз учун муносиб фарзанд бўлиб етишишига давлатимиз қайғурмоқда.

Ҳозирги кунда муаммолардан ёшлар томонидан турли ҳил ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилаётганлиги ва жиноят йўлига кириб қолаётганлиги жамиятимизнинг асосий муаммосига айланиб қолмоқда.

Шу сабабдан ўқувчилар ўқиш жойига бормаган пайтда ота-онаси назорат қилиш мақсадида ота-онасининг телефон рақамига фарзанди ўқишга келмаганлиги ҳақида ҳабар мактаб маъмурияти томонидан жўнатилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчилар томонидан ҳозирги кунда ҳар хил компьютер ўйинлари ўйнаш одат тусига айланган. Шу компьютер ўйинлари ҳисобига ўқувчилар спорт билан шуғулланиш ёки китоб ўқишни ўрнига бўш вақтини беҳудага сарфламоқдалар.

Шу сабабдан компьютерхоналарни мактаб ва коллежлардан 2 000- 3 000 метр узоқликда қуриш ўқиш жойларига яқин масофада бўлмаслигини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчилар томонидан ўзаро жанжаллар натижасида ёнида совуқ қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш одат тусига айланган.

Шу сабабдан мактаб ва коллежларга Ички ишлар органи ходимларидан ҳар бир ўқиш жойларига бириктириб ўқиш жойларига кириш жойларида назоратни кучайтириб мактабга кираётган ҳар бир фуқарони текшириб ўқувчиларнинг ўқиш жойларига совуқ қуролларни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни ўқиш жойига киритилишини олдини олиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги пайтда ўқувчилар томонидан телефон ва бошқа аудио, видео воситаларини ўқиш жойларида бемалол фойдаланиши натижасида дарс пайтда ўқувчилар телефонга овуниб дарслар сифатли ташкил қилинмаётганлиги долзарб муаммолардан.

Шу сабабли ўқувчиларнинг ўқиш жойларига телефон ва бошқа аудио, видео воситаларини ўқиш ҳудудига олиб кириш қатиян тақиқланса мақадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда жамиятимиз кундан кунга ривожланиб бормоқда. Давлатимиз ривожланишига юксак билимли, садоқатли, ватанпарвар ватанини севадиган юртимиз тараққиёти учун ўзини бор куч ғайратини сарфлайдиган ёшлар керак. Шу сабабли биз ёшларни қанча яхши тарбиялаб, камол топтириб, ватанимиз келажаги учун хизмат қиладиган етук кадр қилиб тайёрласак давлатимиз дунё хамжамиятида юқори ўринларни эгаллайди. Биз бир тану бир жон бўлиб вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишимиз керак. Вояга етмаганларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш яъни китоб мутоллаа қилишга ўргатишимиз, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шароит яратишимиз керак. Вояга етмаганларни мунтазам равишда бўш вақтини мазмунли ташкил этсак бошқа хар хил ёмон ишлар билан шуғулланишга вақти қолмайди. Вақти бўлмагандан сўнг жиноят содир этмайди. Вояга етмаганлар жиноятчилиги камайса ватанимиз тараққиёти гуллаб яшнайдди. Ватанимиз гуллаб яшнаса фуқароларимизнинг ижтимоий ахволи яхшиланади. Биз ёшларнинг жиноятчилигига қарши елкама елка туриб курашишимиз даркор.

#### Фойданилган адабиётлар:

1. "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йил 12-февраль куни ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишидаги нутқидан.
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/02/05/children/>. сайтидан.
4. Ёшлар таълим-тарбияси — энг устувор вазифа номли мақоласидан.
5. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Умиджон Жамолиддин Ўғли Обиджонов. "профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.2-2 (2024): 33-39.
6. Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov. "muhim hodisa bo'lgan holda kasallikning muhimligini tekshirishni profilaktikasi". *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.1-2 (2024): 130-136.
7. Мустофақулов Б. А. Ў., Ибрагимов А. Ш. Ў. профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар тўғрисида ҳабардор қилишни такомиллаштириш // *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*. – 2024. – Т. 2. – №. 2. – С. 22-26.
8. Мустофақулов Б. А. Ў., Алламуратов А. С. У. профилактика инспекторларининг аҳоли олдида ҳисобот беришда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги // *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 67-72.
9. Мустофақулов Б. А. Ў., Сирожиддинов И. Р. Ў. профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликни олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш // *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 52-56.
10. Мустофақулов Б. А. Ў., Мамарахимов А. М. Ў. одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш // *Central Asian*

Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4-2. – С. 217-221.

11. Мустофақулов, Б. А. Ў., & Жумаев, С. Ж. Ў. (2025). профилактика инспекторининг сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш бўйича профилактикасини такомиллаштириш. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 140-146.

12. Мустофақулов Б. А. Ў., Фозилов Х. Х. Ў. профилактика инспекторининг маъмурий ҳудуддаги ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 5. – С. 32-36.

